

TOSHKENT HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

Кун тартиби



ВИЛОЯТ-РАХБАРИ АХБОРОТ ВА МАТБУОТ СОҲАСИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН МУЛОҚОТ ЎТКАЗДИ

Нурафшон шаҳрида Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаевнинг вилоятдаги ҳудудий босма нашрлар, маҳаллий ҳокимликлар, бошқарма, корхона ва ташкилотларнинг Ахборот хизмати раҳбарлари билан мулоқоти бўлиб ўтди.

Учрашув аввалида вилоят етакчиси Тошкент вилоятида ахборот сиёсати билан боғлиқ муҳитни кескин ўзгартириш, қонунлар, давлат раҳбарининг қарор ва фармонлари, ҳукумат ҳужжатлари ижросини сўзсиз таъминлаш мақсадида тизимда зудлик билан амалга оширилиши лозим бўлган масалаларга алоҳида тўхталди.

Хусусан, Тошкент вилояти, шаҳар ва туманлар ҳокимликларининг расмий веб сайтларини амалдаги қонунчиликка мувофиқ фаолият юритишини таъминлаш, очиқлик сиёсати билан боғлиқ кунлик ахборотларга кенгроқ ўрин бериш лозимлиги қайд этилди.

Шулардан келиб чиқиб, вилоят ҳокимлигининг Ахборот коммуникацияларни ривожлантириш маркази бундан буён вилоят ҳокимининг ахборот сиёсати бўйича маслаҳатчиси – матбуот котиби структурасига ўтказилгани маълум қилинди.

Давлат раҳбарининг "Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижроси муҳокама қилинди. Уни бажаришда сусткашликка йўл қўйган ҳудуд раҳбарлари ва бошқарма бошлиқлари огоҳлантирилиб, мавжуд камчиликларни йил якунига қадар бартараф этиш вазифаси юкланди.

Мулоқотда оммавий ахборот воситалари ва блогерларнинг саҳифаларида эълон қилинаётган танқидий материалларга расмий муносабат билдириш, ўзаро фаол мулоқот қилиш механизмини қайта кўриб чиқиш зарурлиги айтилди.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

Таълим

Зангиота туманидаги 14-умумтаълим мактаби ўқувчилари дардан сўнг турли тўғаракларда банд бўлишади. Тўғарак учун жихозланган махсус хонада ўғил болалар нақш ўймакорлиги, қизлар эса тикувчилик билан машғул.



БАРКАМОЛЛИК МАКТАБ ОСТОНАСИДАН БОШЛАНАДИ

Мактаб бу йил улкан ўзгаришлар кучоғида. Сабаби, шу мактабнинг собиқ ўқувчиси, тадбиркор Қудратбек Ҳошимбеков ҳомийлиги билан мактаб тубдан янгиланди. Эски 960 ўринли бино замонавий асосда қайта таъмирланди. Янгидан қурилаётган 690 ўринли қўшимча 5 қаватли ўқув биноси ҳам ўқувчилар ихтиёрига топширилиши арафасида. Мазкур бино асосан бошланғич ва ихтисослашган синфлар учун мўлжалланган.

Мустақиллик байрами арафасида ҳомий тадбиркор ва туман ҳокими халқ таълими соҳасида баркамол авлодни вояга етказиш, ёшларни ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш учун яратилган бунёдкорлик, ҳомийлик ишлари учун Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг "Таълим ҳомийси" кўкрак нишони билан тақдирланди.

2

Вилоят халқ таълими бошқармаси тизимида 911 та муассаса мавжуд. Шундан, 886 таси мактаб (14 та махсус мактаб ва мактаб-интернатлар), 23 та "Баркамол авлод" болалар мактаби, 1 та Меҳрибонлик уйи ҳамда 1 та вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳудудий марказидир.

Мавзуга доир

2022-2023-ўқув йилида жами ўқувчилар сони 510 минг 675 нафар бўлиб, шундан, 1-синф ўқувчилари сони 55 минг 844 нафарни ташкил этади.

Вилоятда 886 та умумтаълим мактаблари қошида 5 ташаббуснинг бешта йўналишида жами 9 минг 112 та тўғарак ташкил этилиб, уларга жами 258 минг 654 нафар ўқувчи қамраб олинган. Йилнинг якунида ушбу йўналишдаги тўғараклар сонини 10 минг 345 тага, ўқувчилар қамровини эса 312 минг 500 нафарга етказиш белгиланган.

Вилоятдаги умумтаълим мактабларида 24 минг 268 та фан тўғараги ташкил этилган бўлиб, уларга жами 382 минг 171 нафар ўқувчи қамраб олинган.

Имконият

Даромади ҳали "АСАЛ"



Мамлакатимизда маҳаллабай ишлаш тизими жорий этилгач, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш ва бандлигини таъминлаш масаласига ҳар қачонгидан ҳам катта эътибор қаратила бошланди. Ҳоким ёрдамчиси лавозими жорий этилгач, маҳалладошлар ҳаёти билан янада яқиндан танишиш имконияти яратилди. Сабаби, улар орқали маҳаллада истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаро билан мулоқот ўрнатилди, уларнинг фикри, муаммолари ва камчиликлари ўрганилди. Натижада ҳақиқий эҳтиёжманд ва боқувчисини йўқотган оилаларга манзилли ёрдамлар кўрсатилди, ишсиз фуқароларнинг бандлиги таъминланди, айниқса, ёшлар ва аёлларни ишга қилиш, шахсий тадбиркорликларини йўлга қўйиш учун кенг имкониятлар эшиги очилди.

(Давоми 4-саҳифада) ▶



ВИЛОЯТ БЎЙЛАБ

ОҚЎРҒОН туманидаги 19-умумтаълим мактабининг 4 нафар ўқувчиси Ўзбекистон интеллектуал тренерлар федерацияси томонидан ташкил этилган «Янги ментал арифметика-2022» кубогида голибликни қўлга киритишди.

ЧИРЧИҚ шаҳар ёшларининг тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва ўзини ўзи банд қилишларига зарур бўлган асбоб-ускуналар учун субсидиялар топширилди.

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ туманидаги 25 нафар ёшга 17 та замонавий тикув машинаси, 3 нафарига пайвандлаш ускунаси, 2 нафарига сартарошлик ускунаси берилиб, бандлиги таъминланди.

АНГРЕН шаҳри Оила ва хотин-қизлар Давлат кўмитаси раиси Зулайхо Маҳкамова «Оқила аёллар» ҳаракати вакиллари билан учрашди.

ТОШКЕНТ туманидаги «Аёллар дафтари»га кирган хотин-қизларга тикув машиналари берилди.

БЕКОВД туманининг «Бўстон» маҳалласида ёшлар иштирокида «Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз!» шиори остида тадбир ўтказилди.



«Бизлар қачон уйлорамиз?..»

4

ВИЛОЯТ РАХБАРИ АХБОРОТ ВА МАТБУОТ СОҲАСИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН МУЛОҚОТ ЎТКАЗДИ



(Давоми. Бошланиш 1-саҳифада)

Мулоқотда сўз олган "Адабиёт зиёси" газетаси бош муҳаррири, Ўзбекистон халқ шоири Махмуд Тоир, Журналистлар уюشمаси вилоят бўлими раҳбари Раҳматилла Шералиев, АОКА вилоят бошқармаси бошлиги Зарифа Эралиева, шунигиндек, бир қатор маҳаллий нашрлар ва ахборот хизматлари раҳбарлари кун тартибига оид масалалар юзасидан ўз фикр ва таклифларини ўртага ташладилар.

Мулоқотда сўз олган "Адабиёт зиёси" газетаси бош муҳаррири, Ўзбекистон халқ шоири Махмуд Тоир, Журналистлар уюشمаси вилоят бўлими раҳбари Раҳматилла Шералиев, АОКА вилоят бошқармаси бошлиги Зарифа Эралиева, шунигиндек, бир қатор маҳаллий нашрлар ва ахборот хизматлари раҳбарлари кун тартибига оид масалалар юзасидан ўз фикр ва таклифларини ўртага ташладилар.

Вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати олган суратлар

Муносабат

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида тўртинчи устувор йўналиш айнан таълим соҳасига қаратилганлиги мамлакатимиз ривожланишини янги босқичига олиб чиқиш, юқори салоҳиятли кадрлар авлодини шакллантириш, илм-фан ва инновацион тараққиётга хизмат қилади.

ТАЪЛИМГА ЭЪТИБОР — КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Бугун замон шиддат билан ривожланмоқда. Кеча эришган натижаларимиз бугун тарихга айланиб, олдимизга янги-янги ўзгаришларни, ислохотларни амалга оширишдек масъулият ва шарафли вазифалар қўймоқда.

Президентимиз касб байрамининг муносабати билан йўллаган таъбирларида ҳам Янги Ўзбекистоннинг мактаб битирувчиси замонавий кўникмаларни эгаллаган, ахборот технологияларини пухта ўзлаштирган, креатив фикрлайдиган, муқтадил қарор қабул қила оладиган, дунёқараши кенг шох бўлиб шаклланиши зарурлигига алоҳида ургу бериб ўтдилар. Бунинг учун барча ҳудудларда, айниқса, қишлоқ жойларда мактаблар қуриш, уларда малакали педагоглар фаолиятини йўлга қўйиш устувор вазифа эканлиги айтилди.

Мен раҳбарлик қилиб келаятган мактаб ҳам туманимизнинг олди ҳудудида жойлашган бўлганига қарамай, ислохотлардан четда қолмади. Ҳимийлик маблаглари асосида мутлақо янги мактаб қурилди ва унга "STEM мактаб" мақоми берилди. Замонавий компьютер синфлари, юқори тезликдаги интернет, спорт зал ўқувчилар ихтиёрида. Ҳаққимиз ҳам фанларнинг ўзаро интеграциялашуви асосида "STEM" дастури асосида олиб бориляпти. Бундан қўзланган асосий мақсад, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, креатив фикрлайдиган, ўз олдига қўйган мақсади сари интиладиган ёшларни тарбиялашдир.

Олдимизда турган ягона вазифа — бор билим ва таъбиримизга таяниб, ўқувчиларга мукамал таълим-тарбия беришдир.

Шу мақсадда жамоамиз билан бизга билдирилган ишонччи оқлашга, яратилган имкониятлардан тўғри ва самарали фойдаланган ҳолда ёш авлоднинг тарбиялашдек гоъят эзгу ва улугвор вазифани адо этишга бор кучимиз билан ҳаракат қиламиз.

Эмӯррод МИРАЛИЕВ, Куйи Чирчик туманидаги 45-STEM мактаби директори

БАРКАМОЛЛИК МАКТАБ ОСТАНАСИДАН БОШЛАНАДИ

Азалдан ушбу мактаб ўзининг ахил ва маҳоратли педагогик жаомаси, ўқитиш услубидаги ўзгача ёндашувлари билан тумандаги бошқа мактаблардан ажралиб туради. 1968 йилда фаолиятини бошлаган таълим маскани 2021 йилда кимё ва биология йўналишларида ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабига айналтирилди. Ҳозирда мактабда 1 минг 600 ўқувчи ўзбек ва рус тилларида таълим олади.

Одатда, 8-9 синф ўқувчиларида касб таълимида иккилангишлар бўлади, — дейди мактаб директори Наргиза Ҳасанова. — Ёшларни мактаб даврида касбга йўналтириш ишларига алоҳида эътибор қаратганмиз. Биргина мисол: мактабимизда нақш ўймакорлиги тўғрисида 7 йилдан бери фаолият кўрсатади. Дарс ва тўғрақ машғулотларини машҳур Раҳматуллаевлар сулоласи вакили Суннатилла Раҳматуллаев олиб боради. Болаларда хунар ўрганиши

(Давоми. Бошланиш 1-саҳифада)



бўлган қизиқиш катта. Олийғодаги ўқитувчи бўлиб ўқитарда тўғрақда ўрганган билимлари асосида турли буюмлар ясаб сотаётганини эшитиб, роса қувондим. Демак, биз тўғри йўлдамиз.

Мактабга тадбиркорлар ҳомийлигида 14 та замонавий тикув машинаси келтирилди. Ўқувчилар мато ва қоғоздан гуллар ясашга қизиқшади, тўқуш машғулотида фаол қатнашади. Вақти-вақти билан ўқувчилар томонидан ясалган, тикилган буюмларнинг савдоси ўтказилиб, тушган маблаг мактаб кутубхонаси учун китоблар харид қилишга йўналтирилади.

Ҳали бу ҳаммаси эмас. Наргиза опа мактабда профессионал боксчиларнинг ёшлар билан



машғулотлар олиб боришини йўлга қўйиш ниятида. Шунингдек, мактабда сават тўқуш йўналишида тўғрақ очиш учун дастлабки ҳаракатлар бошлаб юборилган.

Ноziма РАСУЛОВА /Тошкент ҳақиқати/ Аброр ЭСОНОВ олган суратлар

Орамиздаги одамлар

Тошкент туманидаги маданият саройига 22 май куни Алишер Навоий номили маҳалла фуқароларидан вакиллар йиғилди. Мажлис раиси Фахриддин Мусев маҳалла раислигига сайлов ўтказилиши, сайлов тартиби ҳақида қисқача сўзлагач, раисликка номзодлар билан таништирди. Биринчи бўлиб номзод Баҳодир Мўминов ўз дастури ҳақида атрафлича сўзлаб, маҳалла ахли билан маҳаллани янада обод қилиш зарурати ҳақида маълумот берди. Шундан сўнг иккинчи номзод Абдулхай Қосимова сўз берди. У ўз иш режалари ҳақида қисқача хикоя қилди. Учинчи номзод — 2011 йилдан МФЙ раиси бўлиб ишлаб келаятган Султон Йўлдошевга сўз берилганда зални тўлдириб ўтирган маҳалла ахли қарсақлар билан кутуб олди. Ўтирганлар орасидан кимдир:

— Гапирмас ва биламиз уни, ўз ишини билиб, ҳаммамизга бош бўлиб келаяпти, — деб лўкма ташлади.

— Султон Йўлдошев ҳам гапни кўп чўзмади.

— Нима ишлар қилдик, буни ҳамма биланди, — деди у, — ҳали бажарадиган юмушларимиз кўп, уни ёлғиз ўзим қиламан десам, ёлғон айтган бўламан. Маҳалла фаоллари билан бамаслаҳат иш олиб борамиз. Буюк бобомиз номи билан аталадиган маҳаллаимиз ўз номига яраша бўлиши учун бор куч-гайратимизни, икतिдоримизни аямайман.

— Ишонамиз, ишонамиз, — деб уни қўлаб-қувватлади маҳалла ахли ҳам.

Шундан кейин овоз бериш бошланди. Санок комиссияси бюллетенларни санаб чиққач, комиссия раиси Баҳодир Мўминов номзоди 49 та, Абдулхай Қосимов номзоди 2 та, Султон Йўлдошев номзоди 94 та овоз олгани ҳақида эълон қилди. Мажлис якунига етгач, меҳнат фахрийси Жўра Маҳаматов Султоннинг елкасига қоқиб:

— Ана кўрдинг, халқ сенга ишонади, белни

маҳкам боғлаб ишга киришасан энди, — деди...

Султонбой уйига қайтиб келгач, маҳалла ахлининг бирдам бўлиб, унга овоз бергани эслаб, юраги тўлди, кўзларига ёш қалқди. Ич-ичидан маҳалладошларига раҳматлар айтиди, миннатдор бўлди. Бир пиёла чой ичгач, хаёлга чўмди.

... Урта мактабни тугатгач, 1981 йили Тошкент давлат аграр университетини агроном дипломи билан тугатди. Охунбобоев номили жамоа хўжалигида ишчи бўлди. Ер билан тиллашди, мўл ҳосил олди. Сўнгра уни Охунбобоев номили жамоа хўжалиги сут-товар фермаси мудири этиб тайинлашди. Қолоқ фермани бил-

ганлар "Эпполмайсан, ҳали ҳам бўша", — дейишди.

— Эпламан! — аҳд қилди Султонбой. Орадан йиллар ўтди. Ферма қаддини ростлади. Бамаслаҳат, узоқни кўзлаб қилинган иш ўз самарасини берди. Ферма мудири ҳамда унинг иш услуби ҳақида гапира бошлашди.

Чиндан ҳам механизатор Зоҳид Сафин, тракторчилар Мухтор Содиқов, Машариф Тошпўлатов, Абдураҳим Усмонов, Шухрат Ашуровларнинг ҳалол меҳнати эвазига сут ҳам, гўшт ҳам кўпайди, жамоа хўжалигига қўшилидиган даромад ҳам ошиб борди.

... Тошкент туманидаги Абдураҳмонов номили жамоа хўжалигида бош ҳисобчи бўлиб ишлаган йилларида ҳам хўжалик ишчиларининг хўраматига сазовор бўлди.

Барҳаёт сиймолар

Кеча халқимизнинг яқин ўтмишидаги энг қайғули кунлардан бири эди. Аниқроғи, 1938 йилнинг 4 октябры куни халқимизнинг асл фарзандлари — зиёли олимлари ва жамоат арбобларидан бир гуруҳи совет даври қатағонининг қурбонига айланишганди.

ПИСКЕНТЛИК ЖАДИД



кетмайси?" деб дафтарни тоғасига беради. Жиянидаги фольклорга бўлган майлни қўриб, рағбатлантириб, унга бир тўпламни бериб, "Мана бу китобчадаги шеърларнинг муаллифи сенга ўхшаган қизлар. Ўқиб кўр, балки бу шеърлар сенга ҳам маъқул бўлар", дейди. Музайяна тендошларининг қалб қўшиқларини ўқир экан, ўзида ҳам улардек шеър ёзиш ҳаваси уйғонади...

СССР Олий суди ҳарбий коллегияси қарори билан шу куни ўзбекининг буюк жадидлари Абдулла Қодирий, Абдулхамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат кабилар отувга ҳукм қилинганлар.

Тошкент вилоятида туғилиб ўсган жадидлар ҳақида биласизми? Улардан бири — Абдулла Алавий 1903 йили Пискент туманидаги "Мўминобод" маҳалласида адабиёт ва санъатдан узоқ бўлмаган хонадонда дунёга келган. Бу ҳақда профессор Наим Каримовнинг "XX аср адабиёти манзаралари" деб номланган китобида қуйидагилар келтирилган.

"Абдулла Алавий фольклоршунос олима ва шоира Музайяна Алавиянинг тоғаси бўлган. Ҳассос шоирнинг "Арслонбобга", "Карвон", "Англадим", "Оқ булут" каби қатор шеърлари сақланиб келинган. Айрим қўләзмалари вафотидан кейин миллатчи, аксилитчилобчи тамғаси остида йўқ қилиб юборилган. Болалик ва ёшлик йиллари Қурама тизма тоғларининг этақлари ва Оҳангарон дарёси бўйларидики қир-адирларда келди. Абдуллахоннинг отаси Ҳакимхон Алавий ерли-сувли дехқонлардан бўлиб, эрта баҳордан кеч кузга қадар боғдорчилик юмушлари билан шуғулланар, қиш кунлари эса ёру-биродарлари билан баёзлар ва жангомаларни ўқиб, илму ирфон ва адабиёт оламидаги янгиликлардан хабардор бўлиб яшарди.

Абдулла Алавий жияни Музайяна опанинг фольклоршунос олима ва шоира бўлиб шаклланишига муҳим ҳисса қўшган. Музайяна ҳали Пискентда янги асрининг талаба ва эҳтиёлларида беҳабар яшиб юрган пайтларида турли газета ва журналларига эмас, балки глобус ва граммофон сингари техника бўйжизаларни, ҳатто рус ва татар муаллималарини ҳам олиб келиб, жиянининг илм олиши ҳақида астойдил қайғурган. 1926 йили таътил кезларида Ленинграддан Пискентга келганида эса Оҳангарон дарёси бўйларидики жойлашган Эйвалек қишлоғилик Берди бахшидан "Алломиш" достонининг бир лавҳасини ёзиб олиб, Музайянага ўқиб берган ва Тошкентга олиб бериб, халқ иходини тўплаш ишлари билан шуғулланаётган биродарларига беражани айтган. Шунда Музайяна: "Ака, менинг ҳам эртақ ва қўшиқларни ёзиб юрган дафтарим бор. Шуни ҳам олиб

Олиманнинг қайд этишича, Нева дарёси гагаён кўтарган 1926 йилнинг баҳорида Ленинградга машҳур шарқшунос олим Фуод Купрулузода ташриф буюради. Ленинграддан қайтиб кетаётганида Абдулла Алавий меҳмонни хўрамат юзасидан вокзалга қадар кузатиб чиққан. Шоир шу куни ҳам шимол ёлғири, ҳам тошқин оқибатлари тўфайли шамоллаб, сил касаллигига мўбтало бўлади.

Минг афсуски, бу касаллик шоирни 1931 йил 8 январь куни ҳаётдан олиб кетади. Эртаси куни шоирнинг дўсти Чўлпон унинг хотирасига тиловат қилгач, у ётган хонага кириб, суратини қўлига олади. Ва орқа тарафига титроқ қўллари билан шу сатрларни ёзади:

Эй, улвий йўлдошим,
юмшоқ тилингни
Ўлмиғинг омонсиз панжаси олади.
Мен сендан айрилдим.
Шу ондан бошлаб
Тилимда сўз деган нарса йўқолди.

Вилоятимизда жадидчилик ҳаракатининг пешқадамларидан бўлган, ўз овози ва заковати билан адабиётимиз ривожига, эл-улусни уйғотишга муносиб ҳисса қўшишга интилган вилоятдошимиз Абдулла Алавий ўз дарвининг етуқ намоёндалари Боту, Чўлпонларнинг чинакам дўсти эди.

Бу зот ҳақидаги манбаларни ўқиб, кўнглимда бир қанча саволлар уйғонди.

Пискент туманида унинг учун қандайдорлик ўрнатилган? Умуман, жадиднинг номи абадийлаштирилганми? "Мўминобод" маҳалласида у яшаган хўвли мавжудми?

Бу саволлар навбатдаги мақоламизнинг ибтидоси бўлади, насиб этса.

Нигора УРОЛОВА /Тошкент ҳақиқати/

ЭЛ ИШОНСА, ИШЛАШ КЕРАК

ганлар "Эпполмайсан, ҳали ҳам бўша", — дейишди.

— Эпламан! — аҳд қилди Султонбой.

Орадан йиллар ўтди. Ферма қаддини ростлади. Бамаслаҳат, узоқни кўзлаб қилинган иш ўз самарасини берди. Ферма мудири ҳамда унинг иш услуби ҳақида гапира бошлашди.

Чиндан ҳам механизатор Зоҳид Сафин, тракторчилар Мухтор Содиқов, Машариф Тошпўлатов, Абдураҳим Усмонов, Шухрат Ашуровларнинг ҳалол меҳнати эвазига сут ҳам, гўшт ҳам кўпайди, жамоа хўжалигига қўшилидиган даромад ҳам ошиб борди.

кўриб келди, анча ишлар борлигини тушунди. Биринчи ишни оналарга бериладиган бола нафақаси пулини тўлашдаги камчиликларни йўқо-тишдан бошлади.

Ҳар бир маҳалланинг ташвиши қиш мавсумида кўпаяди. Уша пайтларда кўчаларга қўйилган симёғочлар кам, чироқлар тез-тез учарди. Газ оқими эса паст. Аҳоли маиший томондан қийналарди. Кўндан кўен қочиб кутулмас, деганларидек, бу муаммо ҳам аста-секинлик билан барҳам топди. Маҳалла фаоллари раисга таянч бўлишди. Шу маҳаллада ўн йил раис бўлиб ишлаган Эркин Ҳўломов маҳалла ободлигини оқва суварларни тартибга солишдан бошла, деб маслаҳат берди. Эргаш Маҳаматов эса тадбиркорлар билан келишиб, симёғочлар ўрнат, трансформаторлар қўй,

ГРПни эса биринчи навбатда келтириш керак, деб йўл кўрсатди.

Султон Йўлдошев маҳаллада яшайдиган ишбилармон ва тадбиркорлар билан учрашди. Тадбиркорлар раиснинг гапларини маъқуллашди. Газ ўтказгич, ГРП ҳамда трансформаторлар келтирилди. 150 донага яқин янги симёғочлар ўрнатилди. Сув қувурларининг 14 минг 400 метри янгиланди. 14 минг 500 метр кўча асфальт қилинди. Чироқлар ўрнатилди. Электр таъминоти барқарор бўлди.

Бугун маҳаллада 1 минг 58 та хонадонда 1 минг 493 оила, 4 минг 629 нафар аҳоли яшаб келмоқда. Қизғалдоқ қишлоғи ҳудудидаги 9-ихтисослашган давлат умумтаълим мактабига, поликлиникага ёрдам беришда раис Султон Йўлдошевнинг иштироки катта бўлмоқда.

Тўрт фарзанднинг отаси, 6 неваранинг бобоси бўлган Султон Йўлдошевнинг оиласи маҳаллада кўпчиликка ўрناق.

Дарвоқе, 2019 йилда бўлиб ўтган сайловда Султон Йўлдошев Тошкент туман Кенгашининг депутатлигига ҳам сайланди...

... Эшик гийқиллаб очилди. Султон Йўлдошевнинг хаёли бўлинди. Аёли Дилфузаҳон экан.

— Тушлик тайёр бўлди, — деди у, — идорага бормайсизми?

— Ҳаёлга чўмиб қолиман, — деди раис. — Бунга қара онаси, хаш-паш дегунча 60 га ҳам кириб қолиман.

Султон раис тушлик қилиб бўлгач, онаси Халимаҳон аядан фотиҳа олиб, йўлга чиқди. Уни янги-янги ишлар кутмоқда эди. Раис унга ишониб овоз берган маҳалладошлари ишончини оқлаши керак!

Мирхон МИРАХМЕДОВ, Ёзувчилар уюشمасининг аъзоси

ОЛИС ХУДУДЛАРГА ХОЛИС КЎМАКЛАР

Куни кеча
Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири маслаҳатчиси Ботир Парпиев Пискент туманида бўлиб, масъуллар, сектор раҳбарлари, корхона ва ташкилот мутасаддилари, маҳалла раислари билан учрашди.

Юзма-юз мулоқот

Ўзаро мулоқотда туман маҳаллаларида аҳолини рози қилиш йўлида амалга оширилаётган ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари кўздан кечирилди. Хусусан, ички кўчаларга шағал ётқизиш, сув таъминоти, куз-қиш мавсумига тайёрларлик ишлари, томорқадан фойдаланиш имкониятлари таҳлил қилинди.

тоза ичимлик суви тармоғи ётқирилди.

Сув тармоғи қурилиши битказилгандан сўнг, 2 чакирим узунликдаги ички кўчаларни асфальтлаш ишлари режалаштирилган.

Болаларни мактабга таълимга қамровини яхшилаш мақсадида давлат хусусий шериклик асосида 1 та 100 ўринли хусусий, 1



Шундан сўнг олис худуд – “Оқтом”, “Зоминувул” ҳамда “Дунқўргон” маҳаллаларида бўлинди.

Айни пайтда “Обод кишлоқ” дастури бўйича мазкур худудларда кенг қўламли ободонлаштириш ишлари олиб бориляпти.

Хусусан, “Оқтом” маҳалласида “Обод кишлоқ” дастури доирасида маҳаллада электр таъминоти сифатини яхшилаш мақсадида ҳозиргача 25 донга электр таянч устунлари ўрнатилиб, 3 минг метр масофада янги оптик толали алоқа тармоқлари тортилган. Жами 9 минг 300 метр масофадаги газ тармоқлари таъмирланиб, 500 метр масофага

та 25 ўринли оилавий боғча фаолияти йўлга қўйилган. 1 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш дўкони қурилган.

Шунингдек, 3 та контейнер ўрнатилиб, кишлоқ тиббиёт шахобчаси ташкил қилинди. Ҳомийлик маблағлари эвазига худуддаги таъмиратлаб уйлар таъмирлаб берилган.

Ўрганишлар давомида оғир худудларда энгил конструкция асосида ташкил этилган тиббиёт пунктлари, маҳалла идораси ва маиший хизмат шахобчаларининг фаолияти кўздан кечирилди.

Н. УРОЛОВА
Тошкент ҳақиқати/

Сўнги йилларда нодавлат-нотижорат ташкилотлари учун давлат томонидан қўллаб-қувватлаш имкониятлари яратилди. Президентимизнинг те-

гишли қарорига мувофиқ, ННТларга қўллаб-қувватлаш имконияти берилиб, эркин фаолият юритишлари учун шароитлар яратилди.

БИТТА ЁШ – ЎН ТЕНГДОШГА БОШ

Хабарингиз бор, “2021–2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да белгиланган вазифалар доирасида 50 нафар нодавлат

нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари учун Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Давлат бошқарув академиясида малака ошириш курслари ташкил этилган эди. Унда қиларайлик ёш тадбиркор, Ўзбекистон инновацион таълимни ривожлантириш ассоциация-

си директори Шохруҳ Ержанов иштирок этиб, малакасини оширди.

Шохруҳ ташкил этган ассоциация таълим, маданият, инновация ва ижтимоий соҳаларда бир қатор лойиҳаларни амалга оширади. Ташкилотда ҳозирги кунда 10 га яқин ёшлар фаолият олиб борапти.

Ассоциациямиз ташкил этилганига қисқа муддат ўтганига қарамай ННТларни қўллаб-қувватлаш учун эълон қилинган бир қатор грант танловларининг ғолибига ай-

ландик, – дейди Ш. Ержанов. – Ўтган йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси (ЎЗННТМА) хузуридаги Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан эълон қилинган грант танловида “Ёшларни қўллаб-қувватлаш” йўналишида “Ёш тадбиркорлар, ўқувчи-талабалар, хотин-қизлар ва ишсиз ёшларда бизнес юритиш, стартап лойиҳалар соҳасидаги билим кўникмаларини шакл-



Интилиш

лантириш ва амалий қўллаб-қувватлаш” номили лойиҳа билан иштирок этиб, фонд томонидан 70 миллион сўм грант маблағини қўлга киритдик. Лойиҳа доирасида хотин-қизлар ва ёшларнинг замонавий касб-хунар ва тадбиркорлик кўникмаларини ўрганишлари учун bepul ўқув курслари ташкил этилди. Уларга 500 нафарга яқин хотин-қизлар ва ёшлар жалб қилинди.

молиявий саводхонлик йўналишида таълим муассасаларида тренинглар ташкил этиляпти. Бунда аҳоли ва ёшларнинг молиявий ва иқтисодий саводхонлиги оширилади, банк-молия тизими, омонат ва кредитлар, электрон пуллар ва уларни муҳофазга қилиш, молиявий кибержиноятлардан ҳимояланиш каби дастурлар ўргатиб келиняпти.

Нигора УРОЛОВА
Тошкент ҳақиқати/

Хабарингиз борми? Оворагарчиликнинг ози ҳам ортиқча

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан 2023 йил 1 январдан Тошкент шаҳрида, 2023 йил 1 июндан эса бутун республика ҳудудида туғилганликни тиббиёт муассасалари орқали фуқаролик далолатномаларини ёзиш бўлимларида қайд этиш тартиби жорий этилади.

Туғилганлик ҳолати ФХДЭ бўлимларида қайд қилинганлиги ҳақида тиббиёт муассасалари томонидан QR-код тасвири туширилган маълумотнома берилади ва ушбу маълумотнома туғилганлик ҳақидаги гербли гувоҳномага тенглаштирилади. Эндиликда давлат органлари ва ташкилотлари томонидан мазкур маълумотномани қабул қилишни рад этиш тақиқланади.

Туғилганлик ҳақидаги гербли гувоҳнома фуқароларнинг исталган вақтдаги мурожаатларига асосан ФХДЭ бўлимлари томонидан белгиланган миқдорда герб йиғини ундирилган ҳолда расмийлаштириб берилади.

Мазкур қарорга асосан никоҳ тузиш ва никоҳдан ажратишни қайд этиш учун аризаларни Сирдарё вилоятининг туман ва шаҳар давлат хизматлари марказлари орқали қабул қилиш бўйича 2022 йил 1 ноябрдан 2023 йил 1 июлга қадар ҳуқуқий эксперимент ўтказилади. Шунингдек, никоҳга кириш ҳақида ариза берилганда никоҳланувчи шахсларнинг яшаш жойидаги маҳалла фуқаролар йиғинини хабардор қилиш тартиби бекор қилинди.

ФХДЭ органлари томонидан фуқароларнинг фамилия, исм ва ота исмини ўзгартиришда ички ишлар органларига текширув ўтказиш учун ахборот тизими орқали сўровнома юборилади.

Никоҳ ва ажрим қайд қилинганда шахсни тасдиқловчи ҳужжатга штамп қўйиш, ўлим ҳолатини қайд қилишда вафот этган шахснинг паспорти ва ҳарбий гувоҳномасини талаб қилиш, алфавит дафтларини юритиш тартиблари бекор қилинди. ФХДЭ органларининг қоғоз шаклда ҳисобот топшириш амалиёти тугатилди.

Мазкур қарор фуқароларга кўрсатилган давлат хизматларини сон жиҳатдан эмас, сифат жиҳатидан ҳам янада яхшилаш имконини яратади. Аҳолининг узоғини яқин, оғирини эса энгил қилади. Бир сўз билан айтганда, бу “Инсон қадри учун” деган эзгу ғоянинг амалда ишлаётганининг исботидир.

Хуррият ДУТУРАЕВА,
Тошкент вилояти адлия бошқармаси бош маслаҳатчиси

Сўраган эдингиз

Талабаларга уйини ижарага берган шахслар даромад солиғи тўламайдими?

ЖАВОБ: Солиқ кодексининг 378-моддаси 19-1-бандига биноан, солиқ тўловчининг уй-жойларни талабаларга ижарага беришдан олинган даромадлари солиқ солинмайдиган даромадлар ҳисобланади.

Бошқача айтганда талабаларга уйини ижарага берганлар даромад солиғи тўламайди. Талаба ҳам солиқ тўламайди.

Маълумот учун: бундан ташқари ётоқхона билан камраб олинмаган ва ўзига, шу жумладан, ота-онасига (қонуний вакилларига) тегишли бўлмаган уйда ижарага яшайдиган талабаларга қўллаб берилади. Бунинг учун талабалар ўзлари ўқиб турган ОТМга мурожаат қилишлари лозим.

ҳисобидан қўллаб берилади. Ҳар ойлик ижара пулининг 50 фоизи (Тошкент шаҳрида 300 минг сўмгача, қолган худудларда эса 150 минг сўмгача) давлат ОТМларининг кундузги таълим шаклида, давлат гранти ёки тўлов-контракт асосида тахсил оладиган ва ижара ҳуқуқи асосида яшайдиган талабаларга қўллаб берилади.

Турмуш ўртоғининг контракт тўловини тўлаганда даромад солиғи тўланмаслиги айтилганди, шу тартиб кучга кирганми?

ЖАВОБ: Ҳа, бу имтиёз кучга кирган. Солиқ кодексининг 378-моддаси 16-бандига қўра солиқ тўловчининг:

профессионал таълим ташкилотларида;

олий таълим ташкилотларида таълим олиш учун тўловчи бўлмаган таълим ташкилотларида ўқиш учун тижорат банкларини ажратган таълим кредитларини (фоизлари билан) қоплашга йўналтирилган даромадларига нисбатан ҳам қўлланилади.

Бу имтиёз солиқ тўловчиси учун; 26 ёшга тўлмаган фарзандлари учун; 26 ёшга тўлмаган турмуш ўртоғи (эри ёки хотини) учун контракт тўловларини амалга

оширган суммасига қўлланилади.

Мазкур имтиёз солиқ тўловчининг профессионал ва олий таълим ташкилотларида ўқиш учун тижорат банкларини ажратган таълим кредитларини (фоизлари билан) қоплашга йўналтирилган даромадларига нисбатан ҳам қўлланилади.

Бу имтиёз солиқ тўловчининг ака-укаси, опа-сингилиси, келини ёки куёви учун қўлланилмайди.

Биласизми?

Машинага тақиқ қўйилган ёки йўқлигини онлайн текшириш мўмкин

Ягона интерактив давлат хизматлари порталида “Автомобиль тақиқини текшириш учун ариза юбориш” янги давлат хизмати ишга туширилди.

Ушбу хизмат ёрдамида суд, МИБ ва бошқа органлар томонидан қўйилган тақиқлар мавжудлигини текшириш мўмкин.

Шунингдек, ушбу хизмат орқали суд, ички ишлар, солиқ ва божхона органлари, Мажбурий ижро бюроси, нотариал идоралар томонидан қарздорлик, кредит мажбуриятлари, ижро ҳужжатлари ва бошқа ҳолатлар юзаси-

дан белгиланган тақиқларни аниқлаш мўмкин.

Қайд этилишича, транспорт воситаси уни текширмоқчи бўлган шахсга тегишли бўлиши керак. Умумий ишончнома ёки ишончнома асосида транспорт воситаларини бошқараётган шахслар хизматдан фойдалана олмайди.

Хизмат bepul ва жавоб бир зумда тақдим этилади.

ЎЗА

Эълон

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Тошкент вилояти бўлимининг 2005 йил 5 мартда 436-сон билан рўйхатга олинганлиги тўғрисида берилган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

“МАКСАМ ЧИРЧИҚ”ДА ЧАҚНАШ СОДИР БЎЛДИ

2022 йил 4 октябрь куни соат 08:40 “МАХАМ ЧИРЧИҚ” АЖ корхонасининг ларда Чирчиқ шаҳрида жойлашган Синтез цехида чакнаш содир бўлди.

Воқеа жойига Тошкент вилояти ФВБ раҳбари бошчилигида ходимлар ва 12 та махсус техника жалб этилди.

Тошкент вилояти фуқаро муҳофазаси бошлиғи – вилоят ҳоқими Зойир

Мирзаев тегишли мутасаддиларга вазиятни зудлик билан бар்தараф этиш бўйича топшириқ берди.

Ҳолат туфайли заводнинг 2 нафар ходими энгил жароҳатланган. Уларга ўз вақтида тиббий ёр-

дам кўрсатилди. Ўзбекистон Фавқуллода вазиятлар вазирлиги ЎзАга берган маълумотларига қўра, шу куни соат 10:20 да “Максам Чирчиқ” АЖда вужудга келган ёнғин тўлиқ бар்தараф этилди.



СПОРТ янгиликлари

Ўзбекистон жамоаси гуруҳда биринчи ўринни эгаллади

Туркияда футбол бўйича ампутантлар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг гуруҳ босқичи ўйинлари якунланди.

Муддатидан аввал 1/8 финалга йўлланма олган Рустам Мехмонов шогирдлари 3-тур ўйинида Танзанияга қарши майдонга чиқиб, 0:2 ҳисобида мағлуб бўлди.

Ҳамюртларимиз аввалги икки баҳсда Польша (3:1) ва Европа вице-чем-

пиони Испанияни (3:0) мағлуб этганди. Шу тариқа, Ўзбекистон 6 очко билан 1-ўринни эгаллаб кейинги босқичга йўлланма олди. Ҳамюртларимиз ушбу босқичда Колумбия терма жамоасига қарши баҳс олиб борди.



Фомин саралашда тўхтади

Испанияда “Челленжер” туркумига кирувчи халқаро турнир бошланди.

Ўзбекистоннинг биринчи рақамли ракетка устаси Сергей Фомин Alicante Challenger турнири саралашда иштирокини бошлади. Унга асосий турга йўлланма берадиган учрашувда

италиялик Федерико Гайога қарши қорға чиқди. Учрашув икки сет давом этди ва афсуски, италиялик теннисчи 6:4, 7:6 ҳисобида зафар кўчди.

Авалпроқ, ҳамюртимиз саралашнинг ярим финал баҳсида франциялик Келвин Эмерини 6/4 6/4 ҳисобида мағлуб этганди.

Белбоғли кураш этноспортга кирди

Жорий йилнинг 29 сентябрь-3 октябрь кунлари Туркия Республикасининг Бурса вилояти Изник шаҳрида IV Бутунжаҳон кўчманчи ўйинлари (этноспорт) бўлиб ўтди.

Мазкур ўйинларида миллий спорт туримиз бўлган белбоғли кураш бўйича ҳам 17 нафар спортчимиз федерация раиси Равшан Дастиров бошчилигида иштирок этишди. Полвонларимиз дастлаб кўргазмали чиқишларни намойиш этишди.

Турли кўринишда бажарилган белбоғли кураш усуллари томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Шунингдек, вакилларимиз белбоғли кураш спорт турлари бўлмиш қорш ва алиш бўйича белгиланган вазн тоифаларида беллашди.

Ўттиздан ортиқ давлатдан йиғилган полвонлар орасида вакилларимиз 6 тадан олтин, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритиб, кучлилар қаторидан жой олишга муваффақ бўлишди.

Яна ҳам қувонарлиси, белбоғли кураш спорт тури Бутунжаҳон кўчманчилар ўйинлари дастуридан расман жой олди.

Суҳробжон САДИРОВ
Тошкент ҳақиқати/ тайёрлади



